

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг учрашуви



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан амалий учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, қардошлик ва ўзаро хурмат руҳида изчил ривожланмоқда. Ўзаро алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифалар очди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Жанубий Қозоғистон вилоятидаги учрашувда Президентимизнинг шу йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро учрашувлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

– Жорий йил март ойидаги Қозоғистонга ташрифимиздан сўнг ўзаро ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқдик. Вазирлар ва худудлар раҳбарларининг учрашувлари фаоллашди, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Нурсултон Назарбоев олдинги учрашувдан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада фаоллашганини қайд этди.

– Шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий алоқалар сезиларли даражада ошди. Транспорт-логистика, автосаноат соҳаларида ва ҳудудлараро ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш жоиз. 2017 йилнинг дастлабки уч ойида ўзаро товар айирбошлиш 37 фоизга кўпайди, – деди Қозоғистон Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Нурсултон Назарбоевга бугунги учрашув учун самимий миннатдорлик билдириди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигидаги ижобий суръатлар барқарор сақланиши ва янада ривожланишига ишонч билдирилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Жанубий Қозоғистон вилоятидаги "Caspian Food"

ширкатига ташриф буюрдилар.



Ташриф чогида Президентларга корхонанинг узумчилик ва виночиликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Давлат раҳбарлари узумни қабул қилиш технологик линияси, ферментация жараёни билан танишдилар, маҳсулотларни дистилляциялаш ва қадоқлаш цехини кўздан кечирдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев токзор ва ёнгоқзорни бориб кўрдилар.

[ЎЗА](#)